



Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, metodik nashr

Umumta'lif fanlari METODIKASI

2017-yil /aprel
№4 (76)

Jurnal sahifalarida

O'quvchi inshoni qanday yozmoqda?

6-bet

Boshlang'ich ta'lilda chet tillarni o'qitishning innovatsion texnologiyalari

22-bet

Toshkent shahridagi 6-IDUMning fizika fani o'qituvchisi Mohidil Yo'idosheva 24 yildan buyon yosh avlodga ta'lif-tarbiya berib keladi. Izlanuvchan o'qituvchi darslarini noan'anaviy tarzda o'tishga, o'quvchilariga fan doirasida chuqr bilim berishga intiladi. Natijada, o'ndan ziyod o'quvchilar bilimlar bellashivi va fan olimpiadalaringin respublika bosqichida namunali ko'satikchilarni qayd etdi. Mohidil Yo'idosheva "Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi" ko'rik-tanlovining Toshkent shahar bosqichida birinchilikni egalladi.

— O'qituvchi mehnatining mahsulini ko'rsa, ruhi ko'tariladi, ishiga siddqidildan yondashadi, — deydi M.Yo'idosheva. — O'quvchilarim fizik qonuniyatni anglab, tahlil etganini ko'rsam, mehnatim zoe ketmaganidan mammun bo'laman. Shu sabab, "Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi" ko'rik-tanlovida o'tgan ochiq darsimni ham amaliy tarzda olib bordim.



Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, metodik nashr

Umumta'lif fanlari METODIKASI

2017-yil / aprel
№4 (76)

TAHRIR HAY'ATI:

Mamadmuso MAMADAZIMOV,
pedagogika fanlari doktori,
professor

Mirfozil MIRZAAHMEDOV,
fizika-matematika fanlari nomzodi,
dotsent

Shukur PO'LATOV,
pedagogika fanlari nomzodi,
dotsent

Mamarajab TOJIYEV,
pedagogika fanlari doktori,
professor

Narziqul TURDIYEV,
fizika-matematika fanlari nomzodi,
dotsent

Bosh muharrir:
Akmal ISLOMOV

Nashr uchun mas'ul:
Xayrullo ABDURAHMONOV

Jurnal 2011-yil yanvaridan
chiqa boshlagan

Muassis:

«Tafakkur chashmasi» MChJ
Jurnal O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida
№ 0882-raqam bilan
2016-yil 12-oktaborda
qayta ro'yxatdan o'tgan.

Tahririyat manzili:
100000, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Telefon: (0-371) 236-18-05,
(+99893) 508-20-78
Faks: (0-371) 233-66-03.
E-mail: uf_metodika@inbox.uz

MUNDARIJA

Tadqiqotchilik kompetensiyasini shakllantirish bunda kompetentillilikka yo'naltirilgan topshiriqlardan foydanish samaralidir.....	2-bet
O'quvchi inshoni qanday yozmoqda?.....	6-bet
Darslarda «Veer» texnologiyasidan foydanish afzalliklari.....	9-bet
Zamaxshari ma'naviy me'rosi barcha davrlarda yuksak ma'naviyatlari insonlarni tarbiyalashda muhim manba.....	10-bet
Amaliy laboratoriya ishlarning samarasini yoxud fotoelektrik moduling volt-amper xarakteristikasini tavsiyflash uchun laboratoriya stendingin ishanmasi xususida.....	14-bet
«Niagara» sharsharasiga video sayohat o'quvchilarning mavzuni o'zlashtirishiga yordam beradi.....	16-bet
Nazariya va amaliyot uyg'unligi kasbiy ta'lif samaradorligining muhim omili.....	18-bet
O'simliklar va hayonot dunyosi qanday resursga kiradi? (Maxsus maktablarning 9-sinflari uchun nutqiylar mashqlarini rivojlantirishga qaratilgan bir soatlik dars ishanmasi).....	21-bet
Boshlang'ich ta'lilda chet tillarni o'qitishning innovatsion texnologiyalari.....	22-bet
Tarix fanidan ish daftarlarning dars samaradorligini oshirishdagisi o'rni.....	24-bet
Milliylik va zamonaviylik uyg'unligi yoxud G'ijduvon kulolchilik maktabining ilg'or ish tajribasi xususida.....	27-bet
Междометие — особая часть речи урок русского языка в 6-м классе.....	30-bet
Tabiatni asrash barchamizning burchimizi.....	32-bet

Журналдан кўчириб босилганда, «Umumta'lif fanlari metodikasi» журналидан олинди, деб ёзилиши шарт.

Босишга руҳат этилди 18.04.2017 й. Офсет босма усулнича чол этилди.

Коғоз бичими 60х84 1/8. Коғоз джами шарғли 4 босма табок.

Нашриёт ҳисобида 4,75 босма табок, Алади 5500 нусха. Буюртма №288. Баҳси келишилган нархда.

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида чол этилди. Тошкент шахри, Широк кӯчаси, 100-й.



Ўқувчиларда нутқий компетенциянинг шаклланишида она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялаш, ўқувчиларнинг бадиий тасвир воситаларига доир билим, кўнима ва малакаларидан фойдаланиш, бадиий матннинг тил хусусиятларини, ундаги сўз ишлатиш маҳоратини ўрганиш, ўқувчиларда ўз фикрини ёзма равишда мустақил ва таъсирчан ифодалай олиш ва шу орқали уларнинг ижодкорлигини оширишга эришиш мақсади кўзда тутилади.

ЎҚУВЧИ ИНШОНИ ҚАНДАЙ ЁЗМОҚДА?

Тадқиқот ишимиз олдида турган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, ўқувчиларнинг ёзма нутқ (ижодий иншо ёза олиш) савиасини бирор назорат иши (масалан, асарнинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш) ўтказиш орқали аниқлашга ҳаракат қилдик. Айни пайтда, буни қайси параметрлар асосида ўрганишимиз мумкин, деган савол бизни ўйга толдирди. Дарҳақиқат, биз ўқувчиларнинг бадиий матннинг бадиий қиймат яратишида фойдаланилган тил ҳодисаларини таҳлил қила олиш савиасини дабдурустдан текшира (назорат қила) олмаймиз. Чунки она тили дарсларида бугун кун тартибига кўйилган, илмий изланиш босқичида турган бундай таълим ва тарбия ҳали керагича йўлга кўйилгани йўқ.

Юқорида баён қилингандарни назарда тутиб, биз ўқувчиларнинг ёзма нутқ кўникаларини ўрганиш мақсадида, бир қатор мактабларда асосан ёзма иш турларидан бири – иншо билан кифояландик. Олинган 300га яқин иншони таҳлил қилдик. Бундан ташқа-

ри, айрим ўқувчилар билан сұхбатлашдик, ўтилган назарий маълумотлар доирасида баъзи кўшимча назорат ишлатини ўюштиридик. Шунингдек, ёш ижодкорлар ёзаттан шеър ва ҳикояларни кузатиб бордик. Бу ишлар жараёнида қуидаги масалаларга алоҳида эътибор бердик:

1) ўқувчилар томонидан кўтаринки руҳда ёзилган иншоларда қуидаги экспрессив тил ҳодисаларини қўллашга бўлган интилиш самарасини аниқладик;

– бадиий тасвир воситарининг мавжудлиги;

– «Лексикология» бўлими доирасида сўз ишлатишдаги ютуқ ва камчиликлар;

– ўқувчиларнинг ёзма нутқида экспрессив тил ҳодисаларининг (морфологик шакллар, ёрдамчи сўзлар, синтактик бирликларнинг) ишлатилиши;

2) бадиий услубда иншо ёзиш (матн яратиш) муаммолари;

3) ўқувчиларнинг ижодкорлик йўлидаги мустақил фаoliyat;

4) 9-синф битирувчиларининг бадиий тасвир воситала-

ри ва шеърий санъат турлари, маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларига доир билим ва кўнимларни даражаси.

5-9-синф ўқувчилари орасида ўтказилган ёзма ишлардан олган дастлабки таассуротимиз шу бўлдики, ёшларнинг иншони ёзиш учун қайси услуг турини танлашлари кўп жиҳатдан иншо мавзусига боғлиқ экан. Улар услугуб ҳақида гапирилмаса ҳам, услуг турлари ҳали ўрганилмаган бўлса ҳам, «Ватан нима?», «Она – улуғ зот», «Баҳор – фасллар келинчаги», «Зумрад баҳор», «Менинг келажакдаги орзум» сингари мавзуулар берилиши билан ўзларини ёзма ишни кўтаринки руҳда ёзишга чоғлар эканлар.

Ўқувчиларнинг Ватан, она ҳақида, баҳор, келажак тўғрисида ёзган иншоларида ички хаяжон, тўлқинланиш, фарҳ ва ғурур туйғулари сезилиб туради. Сўзлар замирида яширинган ушбу руҳий ҳолатлар иншони бадиийлаштиришга ундовчи омил бўлиб майдонга чиқади. Табиийки, мавзуни ёритиш жараёни ўқувчиларни бўёқдор, баландпарвоз сўзлар,

O'quvchilarning deyarli hammasi hech bo'limganda biror maqolni, hikmatli so'zni, hadisni tilga oladi, yozma ish avvalida bix necha misra she'r keltiradi.

сўз шакллари ва гаплар билан ўз туйгуларини баён этишга даъват қиласди.

Иншоларни кўриб чиқар эканмиз, ўқувчиларнинг деярли ҳаммаси ҳеч бўлмагандага бирор мақолни, ҳикматли сўзни, ҳадисни тилга олади, ёзма иш аввалида ёки охиринда бир неча мисра шеър келтиради. Бири ўз ёзма ишида ўхшаса-ўхшамаса бирор бадиий тасвир воситасини ишлатади, бири экспрессив лексика, морфологик восита, синтактик курилма ва фигурага мурожаат этади, яна бири ўз туйгуларини, руҳий кечинмаларини яширгмаган ҳолда, уларни сўз билан ифодалашга харакат қиласди.

Ўқувчиларнинг иншоларида ишлатилган бадиий тасвир воситаларидан куйидаги намуналарни келтириш мумкин:

Ўхшатиш: дехқонлар ерга ишлов беришади худди накош ёғочга ишлов бергандай; ёшлиқда олинган билим – тошга ўйилган нақш; тонгги шабнамдек губорсиз; юлдузлар сингари; дараҳт танаси – ота, илдизи – она; самолардаги юлдузларга ўхшайди.

Қаршилантириш: емай едирди, ичмай ичиради, киймай кийдиради.

Ўқувчиларнинг ёзма ишлатирида сифатлаш, муболага, жонлантириш камроқ учрайди. Бунинг сабаби уларни ишлатишнинг қийинлигига кўринади. Сифатлаш маъно кўчиши натижасида юзага келади: ўқувчилардан бири жаннатмакон юрт (юртдаги фаровонлик жаннат сўзида ифода этилади) бирикмасини қўлласа, бошқаси она алласини оҳанрабо алла (она алласининг болани ўзига маҳлиё қилиш куни оҳанрабонинг тортиш кучига тенглаштирилади) деб таърифлайди. Иншоларда ишлатилган эзгу мақсад, мурғак

қалб бирикмаларида сифатлаш эмас, сифатлар кўлланган деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Иншолардан бирида куйидаги жонлантириш ишлатилган: қўёш кўкка бош кўтариб. Қўёш кўтарилади, лекин одамга ўхшаб бошини кўтармайди. Бу ўринда қўёш бош кўтармок ибораси орқали жонлантирилган.

Муболага баландпарвоз жумлалар куриш туфайли юзага келган: «байробини кўкларга кўтариб» бирикмасида муболага воситаси бор, лекин бирикма нотўғри тузилган: «кўкка кўтармок» ибораси, бир томондан, жуда баланд (осмон қадар) кўтармок маъносини берса, иккинчи томондан, мадҳ этмоқ, мақтамоқ маъноларини ифодалайди. Спорт мусобакасида юрт байроби кўкка кўтарилимайди, балки юқори (баланд) кўтарилади.

Ўқувчи муболага қилаётган бўлса керак, лекин ноўрин чиқкан. «Юлдузларни қучиб олгим келади» бирикмаси орқали эҳтироснинг кучи билан англатилаётган маъно-мазмун муболага саналади.

Ўқувчилар ёзган иншоларда маънони қучайтируви жуфт ва тақорорий сўзлар, тасвирий ифодалар, иборалар, ёрдами чўсулар кўп ишлатилган.

Жуфт ва тақорорий сўзлар: бофу роғлар, куч-ғайрат, меҳр-муҳаббат, сабр-қаноат, сайд-харакат, урф-одат, тўйиб-тўйиб, азал-азалдан каби. Лекин бундай сўзларни хато кўллаш ҳам учрайди: орзумадларим, (орзу-умидларим ўрнига).

Ёшларда тасвирий ифодалардан фойдаланиб матнни бадиийлаштиришга интилиш кучли экани кўринади: илм ўчоги, фасллар келинчаги, қалбларнинг маликаси.



O'zA surʼati.

Иншоларда сўзларни ўзаро бириктириш билан боғлиқ хато ифодалар ҳам учрайди: кувонч мени босиб олди (кувонч мени чулғаб олди ўрнига), еримиз олтин (тупроғимиз олтин ўрнига), гулу лолалар кўкка бўй чўзиб (гулу лолалар баланд дараҳтлар каби ўса олмайди), чумолилар уйидан чиқиб иш бошлайдилар (чумолилар уйидан эмас, инидан, уясидан чиқади), баҳорнинг бир парчаси (баҳордан парча ажратиб бўлмайди), юртимизни кўкларга кўтаришига ҳаракат қиласди (юртнинг шаънини кўтариш мумкин), меҳри ноёб бўлади (ноёб сўзи ноўрин ишлатилган), юртимиз гуллаб кетди (юртимиз гуллаб-яшнаб кетди ўрнига), иссиқ дамлар (иссиқ кунлар ўрнига), қалдирғочнинг келди нафаси (қалдирғочнинг нафаси сезилмайди), бағри-мизда бўлар сумалак (сумалак кимнингдир бағрида бўлмайди), куриб қолган дараҳт гуллайди энди (куриб қолган дараҳт кўкармайди) ва ҳоказо.

Булар энди услубий хатолар ҳисобланади. Сўз ишлатиш маҳоратининг етишмаслиги кўпгина услубий хатоларга олиб келаётгани, типик камчиликларни келтириб чиқараётгани маълум бўлади.

Ўқитувчи ўқувчилар иншосидан пайқамаган мазмуний нуксонлар баъзан шу қадар жиддий бўладики, уларни тузатиш учун иншо тўлиқ кайта ишланиши ёки ёзилиши керак. Кўпинча бу каби камчиликлар иншо матнининг тузилиши, сўз ишлатиш маҳорати, такрорлар билан боғлиқ бўлади.

Она тили дарсларида эркин мавзуларда ёзилган иншоларни, уйда тузиб келинган матнларни ўрганиш шуни кўрсатдик, аксарият ўқувчиларнинг

ёзма ишларида мазмундорлик ва таъсирчанлик сифатлари жуда noctor.

Улар она тили дарсларида ўрганилган маънони кучайтирувчи морфологик шакллар, ёрдамчи сўзлар, ундов сўзлардан матндаги гаплар ширадорлигини, таъсирчанлигини тавминлаш, кўтаринки рухни саклаб бориш мақсадида фойдаланишига ҳаракат қиласди. Масалан, емай едиради, ёмғирлар ёғади, мурғакина, -ку, -да, наҳотки, ҳаттоқи, ҳеч қачон, ҳеч нима, нақадар, қанчалик, шунча, гўёки, дея ва бошқалар.

Ўқувчилар риторик сўрок гаплар, ҳис-ҳаяжон (ундов) гаплар, атов гап, қисмлари -ки воситасида боғланган эргаш гапли кўшма гаплар, гапда сўз тартиби, сўз такори, синтактик параллелизм сингари синтактик курилмалардан ҳам ўринли фойдаланишига ҳаракат қиласди.

Ёшларда мақол, ҳикматли сўз, ҳадисларни матнга кўчирма ёки ўзлаштирма гап шаклида киритишга уриниш бўлсада, улар баъзан кўчирма гапдан аввал келган муаллиф гапини яна гап охирида такрорлаш каби хатоларга йўл кўядилар.

Айрим ўқувчилар мактаб чоғиданок шеър ижод қилишга бел боғлайдилар. 6-синф ўқувччиси Чаросхон Яхшибоева «Зумрад баҳор» мавзусидаги иншосининг ярмини шеърий шакла ёзган.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг сўз ишлатишдаги, гап тузишдаги айрим хатоларига беларво эмас: у нотўғри ишлатилган сўз, ғализ тузилган жумла тагига қизил ручка билан тўлқинли чизиқ чизиб кўяди.

5-9-синф ўқувчиларининг ёзган иншоларида кўринади

ки, «Ватан нима?», «Она – улуғ зот», «Баҳор – фасллар келинчаги», «Зумрад баҳор», «Менниг келажакдаги орзум» каби мавзулар ёшларга кўтариинки рух багишлайди ва баённи бадиийлаштириш сари ундайди. Ушбу интилиш ўхшаса-ўхшамаса бадиий тасвир воситаларидан, маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларидан фойдаланишда намоён бўлади. Зарур БКМнинг етишмаслиги эса айрим услубий ғализликларга, сўзни (айниқса, жуфт сўзларни, тасвирий ифодаларни) хато қўллашга сабаб бўлади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг интилишларини кўллаб-куватлаб, йўналтириб, маъкул варианtlарни кўрсатиб, изоҳлаб, ютуқларни таъкидлаб, рағбатлантириб турсагина, улар томонидан ёзиладиган иншоларнинг сифатини оширишга, образлиликни таъминлаш йўллари билан танишириб бориш орқали эса баландпарвоз жумлалардан холи иншо ёзиша эришилади.

Хулас, иншолар таҳлилидан аён бўладики, ўқувчилар кўтариинки рухда фикр баён қилишини талаб этадиган мавзуларда иншо ёзиш чоғида ўқиш ва адабиёт дарсларида бадиий тасвир воситалари ҳақида, она тили дарсларида экспрессив тил ҳодисаларига доир назарий ҳамда интuitiv ҳосил қиласидиган билим ва тушунчаларидан келиб чиқсан ҳолда, бадиий услубга яқин тарзда иншо ёзиш ёки матн яратишига интиладилар.

**Кларахон МАВЛОНОВА,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети
катта илмий
ходим-изланувчиси**